



## ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 сентябрь куни мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бирёклама иқтисодийёт барқарор бўлмайти. Шу боис, мамлакатимизда иқтисодийёт таркибий ислоҳ қилиб, кенг қўламада ривожлантириш чоралари кўришмоқда. Хусусан, туризм драйвер соҳалардан бири сифатида белгилаиб, зарур шароитлар яратилмоқда.

Масалан, сайёҳларга виза бериш енгиллаштирилди. Аэропортларда навбатлар ва текширишларга барҳам берилди, яшил йўлақлар ташкил қилинди. Валюта айирбошлаш бемалол бўлди. Туризм корхоналари учун ижтимоий солиқ ва айланма солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди, ер солиғи ва мол-мулк солиқ ставкалари 90 фоизга камайтирилди. Меҳмон ўринлари сони 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўпайиб, 125 мингга етди. Меҳмонлар электрон рўйхатдан ўтказиладиган бўлди.

Бу йил туризм пандемиядан кейин қайта тикланипти. Сентябрьга юртимизга келган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайди. Йил бошидан буён туризм экспорти ҳажми 926 миллион доллар бўлди. Юртимизга келган меҳмонларнинг саёҳати ўртача 4-5 кунгача, сарфлаган маблағи 305 долларгача кўпайди.

Ички сайёҳлар сони ҳам ўтган йилга нисбатан 3,5 бараварга ўсиб, 7,5 миллион нафарни ташкил қилди.

Президентимиз бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб, шароит яратётгани бежиз эмас. Чунки туризмдан топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради. Бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки беради. Яъни туризм ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш, ҳам хизматлар экспортини оширишда жуда катта манба.

Йиғилишда туризм бўйича ҳудудлардаги ишлар ҳолати таҳлил қилинди. Бу борадаги улкан имкониятлар ва улардан фойдаланиш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази барпо этилди. Қўшқанда у ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити юқори савияда ўтди. Бу кўп тармоқли марказ таркибиде 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс маркази, "Боқий шаҳар" мажмуаси, амфитеатр ва бошқа кўп

иншоотлар бор. У йилга 2 миллион туриста хизмат кўрсатиши мумкин. Давлатимиз раҳбари энди бу мажмуага сайёҳларни жалб этиш, элчионалар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда "Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" брендини тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Транспорт вазирлигига янгиланган Самарқанд халқаро аэропорти имкониятларидан самарали фойдаланиш, хорижий авиакомпаниялар рейсларига бўлган чекловларни олиб ташлаб, халқаро қатновларни кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Шу йил 26 апрель куни ўтказилган йиғилишда шаҳар ва туманларда туризм хизматларини кўпайтириш, бундай лойиҳалар учун 1 триллион сўмлик кредит ресурслари ажратиш чоралари белгиланган эди. Бунинг ижроси таҳлил қилинар экан, вилоятларда сайёҳлар борадиган жойлар камлиги, маблағлар ҳали тадбиркорларга етиб бормагани кўрсатиб ўтилди.

Фаргона вилояти ҳоқими 5 та туман ва 3 та шаҳарни қамраб олган "Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси"ни ташкил этиш бора-сидаги ишларни сўзлаб берди. Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам амалга ошириш, ташаббускорларни молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, сув омборлари, ўрмон хўжалиги ерларини ўрганиб, хавфсиз ерларда туристик зоналар ташкил этиш мумкинлиги кайд этилди. Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразмнинг чул ҳудудларида "сафари" туризмни ривожлантириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Яна бир салоҳиятли йўналиш — зиёрат туризми. Мамлакатимизда 1 минг 200 дан зиёд зиёратгоҳ бор. Йиғилишда бу имкониятни тўлиқ ишга солиб, йилга камида 1 миллион сайёҳ жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва араб мамлакатларидан авиарейсларни кўпайтириш, малакали гидлар тайёрлаш, зиёратгоҳлар шароити ва йўллари яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда туризмга иxtисослашган 135 та маҳалла бор. Уларнинг аксарияти узоқ ҳудудларда бўлгани учун инфратузилма масаласи долзарб.

Шу боис, Президент туризм маҳаллаларида йўл, электр, сув ва интернет

муаммосини ҳал этиш бўйича дастур ишлаб чиқишга кўрсатма берди.

Саёҳатлар учун автомобиль йўллари ҳам муҳим. Лекин замона зайли билан автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, "Тошкент — Самарқанд" йўналишида беш йил олдин суткасига 25 мингга автомобиль юрган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 35 мингга етган. Натижада йўлга кетадиган вақт ҳам ортган.

Шунинг учун мамлакатимиз шаҳарлари ўртасида поезд ва самолёт қатновларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз туристлар учун қўлайликларни кўпайтириш, соҳага оид тартибларни соддалаштириш масаласига алоҳида тўхтади.

Масалан, бугунги кунда меҳмонхона ташкил этиш учун 97 та талаб бор. Тадбиркорларнинг фикрларини инобатга олиб, бу талабларни халқаро стандартлар асосида соддалаштириш вазифаси қўйилди.

Туристларни ички ишлар идораларида рўйхатга олиш тартибиде ҳам нуқулликлар бор. Хусусан, хориждан келган туристин меҳмонхона 2 кун ичида, қариндошиникида қолганда эса, уйнинг эгаси 3 кун ичида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиши керак.

Ички ишлар вазирлигига бу тизимни таҳлил қилиб, ортқича чекловларни олиб ташлаш бўйича топшириқ берилди. Бунда хорижий туристларни вақтинчалик рўйхатга олиш ўрнига онлаин хабардор қилиш тартибига ўтилади.

Шунингдек, туристик агентларга ҳам лицензия талаби бекор қилиниб, хабардор қилиш тартибини жорий этиш режалаштирилмоқда. Бу орқали қўшимча 1 мингга турагент пайдо бўлишига имконият яратилади.

— Туризм — бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани. Шунинг учун ҳар бир ҳудудда бу соҳага жиддий эътибор қаратиб, кўпроқ сайёҳларни жалб этиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Умуман, келгуси йилда 7 миллион хорижий ва 12 миллион маҳаллий туристларни жалб қилиш, туризм экспортини 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги таъкидланди. Бу бўйича аниқ йўналишлар кўрсатилиб, ижросига масъуллар белгиланди.

ЎЗА

## НУҚТАИ НАЗАР

# ШҲТ: ТАҲЛИКАЛИ ДУНЁДА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ЁХУД САМАРҚАНД ЁЗГАН ТАРИХ



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳри Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг йигирма иккинчи саммитига мезбонлик қилди. Бутун дунё нигоҳи қаратилган кенг қамровли нуфузли тадбирга асрлар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар маркази бўлиб келган шаҳарнинг танланиши бежиз эмас. Бу билан қадимий ўзбек давлатчилигига ва унинг тарихий салоҳиятига урғу берилди.

Дунёда мураккаб вазиятлар кузатилаётган, дипломатия руҳи узғараётган, конструктив мулоқот майдони ва имкониятлари қисқариб бораётган бир шароитда ШҲТ сиёсий уйинлардан холи, зиддиятлар чегга суриладиган самарали ва амалий ҳамкорлик механизми сифатида юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон раислигида ШҲТ чинакам серкирра ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва эркин мулоқот ташкилотига айланди, ўз салоҳиятини қайтадан кашф этди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда мисли кўрилмаган

даражада фаоллашган очиқ ва конструктив Янги Ўзбекистон дипломатияси ўз имкониятларини кенг минтақавий микёсда кўрсата олди.

Пандемия бошланганидан буён сўнгги уч йилда илк марта мулоқот шаклида ўтказилган йирик анжуманда 14 та давлат етакчиси, Саудия Арабистони, Қатар ва Мисрнинг олий вакиллари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Самарқанд саммитида томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни мустақ-

камлаш, саноат кооперациясини ривожлантириш, транспорт-коммуникациянинг ўзаро боғлиқлигини кенгайтириш, рақамли трансформация, "яшил" иқтисодиёт ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши, камбағаллик, эпидемияларнинг салбий таъсири билан курашиш, ШҲТнинг халқаро нуфузини юксалтириш каби муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Саммитда ШҲТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатлари ривожланиб бораётганига урғу берилди. Эрон Ислом Республикасининг Ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум, Миср Араб Республикаси ва Қатар давлатига мулоқот бўйича шериклар мақоimini бериш тўғрисидаги меморандумлар ҳамкорлик доираси кенгаётганидан далолат беради.

Давоми 3-бетда

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

# "FARG'ONAAZOT": ИМКОНИЯТ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Мамлакатимиз кимё саноатида ўзига хос ўринга эга "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти фаолият кўрсата бошлаганига 60 йил бўлди. 1962 йил 20 сентябрь куни Фарғонада биринчи марта донатор аммиакли селитра ишлаб чиқарилган. Бу Ўзбекистон кимё саноати тарихида қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит тайёрлаб берадиган корхона ишга туширилган кун сифатида тарихга кирди.

Давоми 4-бетда



Рашид Латиев олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАҚОЛАСИ

Нью-Йоркда очилган БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд шаҳрида 15-16 сентябрь кунлари бўлиб ўтган мажлисига бағишлаб эълон қилинган "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" сарлавҳали мақоласи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида чоп этилди.

Ҳужжат БМТ журналида ҳам эълон қилиниб, Ташкилотга аъзо давлатлар ва унинг таркибий бўлинмалари орасида кенг тарқатилди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг мазкур мақоласи ШҲТнинг Самарқанд саммити арафасида хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб, Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда раислиги даврида фаолияти жадаллашган Ташкилотга дунёда қизиқиш ва эътибор янада кучайишига туртки бўлди.

12 сентябрь куни Ўзбекистон Президенти мақоласи етакчи миллий ва хорижий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари томонидан чоп этилди, бошқа кўлаб ахборот ресурслари уни ўз манбаларига жойлаштирди. Дастлабки маълумотларга кўра, мақола 35 дан ортқи мамлакатдаги 150 дан зиёд ОАВда ўнлаб тилларда эълон қилинган.

Нью-Йорк

"Дунё" АА

## 1 ОКТАБР — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКАСИ

таянч олийгоҳни асраб қолиш заҳмати

Президентимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича 2026 йилгача мўлжалланган устувор вазифаларнинг дастлабки сифатида айнан таълим соҳасини белгилаб берди. Мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқиши, янгиланган тизим, аввало, хорижлик илғор мутахассислар экспертизасидан ўтказилиб, кейин ҳаётга татбиқ этилиши зарурлиги таъкидланди. Демак, англашимиз керакки, мамлакатимиз таълим тизими янги босқичга, бутунлай янги ислохотлар даврига кирмоқда.

Давоми 5-бетда

## АГРОСЕКТОР

Куз — бободоҳноларимиз учун ғалвирни сувдан кўтарадиган палла, даладарда хосил фарқ пишган маҳал. Жорий мавсум, айниқса, боғдорлар учун баракали келди. Айни пайтда тоқзорларда ҳам узум шигил пишяпти. Дастурхонимиз, бозорларимизни тўлдирётган узумнинг хорижда ҳам харидорлари ортиб бораёттир.

# Узумчилик КЛАСТЕРЛАРИ

хомашёга йўналтирилган тармоқни саноатлаштиришга хизмат қилмоқда

Халқимиз узумчиликда катта тажрибага эга. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Узумчилик — бу халқимизнинг асрлар давомидаги миллий деҳқончилик маданияти, қадрияти, гурури ва даромад манбаи ҳисобланади. Узум халқимизнинг турмуш тарзи ва

урф-одатлари билан бевосита боғланиб кетган. Ҳар бир кўчада, хонадонда тоқ бўлган. Ҳусайни, тойфи, ризамат ота, келинбармоқ ва кишмиш каби узумларимизнинг доврўғи узоқ-узоқларгача танилган".

Давоми 4-бетда

## МУНОСАБАТ

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЎБИ



**Нодир ЖУМАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты

Мамлакатимиз тараққиётида ШХТнинг ўрни ва салоҳияти юқори. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 сентябрь кунги матбуотда эълон қилинган "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" мақоласи ўқувчи эътиборини ана шу жиҳатларга кўпроқ тортади. Мақолада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч чуқур таназзулга юз тутаетганининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири, глобал иқлим ўзгариши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши дунё ҳамжамиятининг заиф томонларини янада яққол кўрсатиб бераётганига алоҳида тўхталиб ўтилган. Уларнинг ечимлари бўйича аниқ тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилган.

Таъкидланганидек, "Бу муаммолар инсоният тақдирига бевосита дахлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда. Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки баргараф этишга қодир эмас".

Бугун Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида инсоният манфаатларига тўла мос келадиган халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ташаббускори сифатида намойиш бўлмоқда. Барча зиддиятлар ва глобал масалалар ҳамжиҳатликда ҳал этилиши мумкинлигини тарғиб қилапти. Бу дунё халқлари тенглиги, давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий

Дунё саҳнида юз бераётган глобал масалалар давлатлардан ўзаро жиқлаштиришга тақозо этмоқда. Ана шундай жараёнларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро сийёсатнинг муҳим субъектига айланди, нуфузли халқаро тузилмалар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Янги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги умумий салоҳият ортиб, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайди.

қарама-қаршилиқ ва ихтилофи рақибликка йўл қўймаслик принциплари асосланади. Шу боис, Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотидagi иштирокида ҳам тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашиш бўйича ўз ташаббусларини илгари сурмоқда ва бу турли концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди. Уларда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, ШХТнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги йўли ва нуқталарини излаш каби кўп қабатли муҳим масалалар қамраб олинган.

ШХТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисmini ташкил этишини ҳисобга олсак, умумий манфаатларга мос келадиган кўп қабатли масалаларга биргаликда ижобий ечим топиш мумкин. Жумладан, Афғонистоннинг барқарор ривожланиш йўлига ўтишини таъминлашда ушбу салоҳиятдан унумли фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари бу борада сўз юртар экан, "Афғонистонга биргаликда ёрдам қилини қўшимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қўлай шароит ярати бериш бизнинг маънавий бурчимиздир", дея алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўпқир тимсолида қўрайдиган бўлсак, Ўзбекистон ташаббуслари ўзининг ҳаётийлиги ва умуминсонийлиги билан алоҳида аҳамият касб этишига амин бўлаемиз. Биргина трансфер қоридорининг пайдо бўлиши фонида барча учун манфаатли ижтимоий-иқтисодий ва транспорт коммуникацияси вазибаларини ҳал этишга эришиш мумкин. Бу бир вақтнинг ўзида минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Ушбу масала саммитда кўриб чиқилган энг муҳимлардан бири бўлди. Бу, биринчи навбатда, транспорт логистикасини ривожлантирувчи "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон орқали Форс кўрфазига чиқиш йўлини барпо этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон ташаббусларидан яна бири ташкилот доирасида туризм иттифоқини ташкил

этишга қаратилиб, келгуси йилни "ШХТ маконида туризмин ривожлантириш йили", деб эълон қилиш тақдир бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ўзаро савдон рағбатлантириш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш тақлифини билдирди. Бунда ҳар йили ШХТ йирик савдо ярмаркасини ўтказиш, унинг асосида ягона электрон платформа яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳамкорликнинг барча йўналишларини қамраб олувчи ШХТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш ҳамда иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш каби фойдаланарли муҳим ташаббуслар ҳам ўзининг истиқболлилиги билан аҳамиятга эга.



**Ўзбекистон ШХТ мамлакатлари иқтисодиётларининг бир-бирини ўзаро тўлдириб боришида афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд салоҳиятни максимал даражада оширишдан манфаатдор. Шу муносабат билан ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш асосида саноат ва технология ҳамкорлигининг умумий маконини шакллантириш тақлиф этилди.**

Ўзбекистон ташаббуслари умумий ривожланиши таъминлашга катта ҳисса қўшади. Зеро, саммит якунида Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ташкилот тарихида энг кўп — 44 та ҳужжат имзоланди.

ШХТнинг Самарқанд саммити стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларида муштарак мақсадлар учун замин яратади.

Мустақиллик йилларида юртимизда халқаро аҳамиятга молик кўплаб анжуманлар ўтказилган. ШХТнинг Самарқанд саммити долзарблиги, қўламли, иштирокчилар сони, мазмун-моҳияти, мақсад ва вазибалари жиҳатидан улар орасида алоҳида ажралиб туради. Шу жиҳатдан қараганда, ушбу саммитни Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилётган Янги Ўзбекистон дипломатиясининг катта ютуғи, дейиш мумкин.

## ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

**Самарқанд саммити мамлакатимизнинг янги тарихига зарқал ҳарфлар билан ёзиб қўйишга арзигулик тарихий воқеа бўлди**

**Қодир Жўраев,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси Халқаро ишлар ва  
парламентларо алоқалар  
қўмитаси раиси ўринбосари

Саммитда жами 44 та ҳужжат имзоланди, шулардан 18 та қарор, 4 та халқаро шартнома ва 22 та бошқа ҳужжатдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва ШХТ оиласига кирувчи давлатлар ўртасида жами 36 та ҳужжат имзоланди.

Саммит ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд декларацияси имзоланиши билан якунланди. Шу тариқа Самарқанд саммити ШХТ фаолиятида янги тарихий даврни бошлаб берди, деб бемалол айтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон дипломатияси сифат жиҳатидан мулоқот ўзгарди. Саммитнинг юксак савияда ташкил этилгани ва юқори нотада ўтказилгани, шак-шубҳасиз, мамлакатимизнинг халқаро имижига ижобий таъсир кўрсатди ва унинг минтақавий етакчи давлат сифатида эътироф этилишига сабаб бўлди. Эндиги вазифа ана шу эришилган мавқени сақлаб қолиш ва ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат.

ШХТ саммити Самарқанд шаҳрининг халқаро ва минтақавий аҳамиятини янада юксалтирди ва унинг жаҳон конгресслари марказига айланишига катта ҳисса қўшди. Маълумки, бу кўҳна ва ҳамшира навқирон шаҳар азалдан тарихий учрашувлар ва цивилизациялар мулоқоти маскани бўлиб келган.

Самарқанд саммитига тайёргарлик асосида бу ерда тарихий улугворлик ва замонавий уйғунликда юксак дид билан барпо этилган бетакор объектлар — аэропорт, тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар, конгресс марказлар, "Боқий шаҳар" мажмуаси ва бошқа иншоотлар бундан буён ҳам мамлакатимизнинг энг муҳим халқаро ва дипломатик ташаббусларини илгари суриш учун ўзига хос платформа вазибасини ўтайди.



Саммит ишининг кенг ёритилиши, кучли ахборот таъминоти ҳам унинг муваффақиятини таъминлаб берган омиллардан бири бўлди. Айниқса, саммит арафасида Президентимизнинг дунёдаги хозирги мураккаб, таҳликали жараёнлар ва унда ШХТнинг тутган ўрни ҳақидаги мақоласи қатор хоржий мамлакатлар етакчи ОАВларида эълон қилиниши жуда катта самара берди.

Мақолада бутун инсониятни хавотирга солаётган умумбашари муаммолар шунчаки санаб ўтилмасдан, балки уларнинг ечимлари ҳам тақлиф этилган. Энг мақбул ечим сифатида дунё мамлакатлари ўртасида конструктив мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик гоёси илгари сурилгани мамлакатимиз замонавий ташқи сийёсатининг мазмун-моҳиятини тўлиқ акс эттирди.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд саммити жуда муваффақиятли якун топди.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# УНУМДОР ЕРЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАНЗИЛИ ДАСТУРИ

## Илғор агротехник тажрибалар ҳамда инновацион усулларни жорий этиш орқали даромадни оширишга хизмат қилади

Бугун аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ортиқчасини экспорт қилиш ҳисобига ер эгаларининг даромадини кўпайтириш, турмушини фаровонлаштириш, энг асосийси, аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти иқтисодида етакчи тармок ҳисобланган қишлоқ хўжалигида ердан оқилон ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки, унумдор заминда етиштирилган пахта хомашёси даромади билан бугун одамларни боқиб қийин. Ерни эрта баҳордан то кеч кузгача фўза билан банд қилгандан кўра, сабзавот, полиз, дуккакли ҳамда мойли экинлар етиштирилиш, пахта даромадига нисбатан икки-уч ҳисса кўп наф қўриш мумкинлиги исботланди. Бунга деҳқонларнинг йилгига икки-уч марта ҳосил олаётгани далил бўла олади.

Узоқ йиллар мобайнида дала-ларга асосан икки экин — пахта ва ғалла экилаверганидан деҳқончиликдаги энг муҳим агротехник тадбирлардан бири — алмашдиб экиш издан чиқди. Сувдан, маъданли ўғитдан нотўғри фойдаланиш ҳисобига дала-ларнинг мелiorатив ҳолати бузилди. Заминга бот-бот техника киритилавериши оқибатида тупроқ зичлашиб, таркибидagi гумус ва бошқа фойдали чириндилар камайди, ҳосилдорлик пасайди. Энг ёмони, йиллар давомида деҳқончилик илмига амал қилмаслик натижасида тиллога тенг унумдор ерларнинг бир қисми шўрланиши ва бошқа омиллар сабаб фойдаланишдан қийиб, ҳокимликлар захирасига олинди.

Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирларини тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ва унумдор ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида белгиланган

манзилли дастурларга асосан мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Сурхондарёда ҳам 2022–2025 йиллар мобайнида фўза ҳамда ғалла ўстиришга ажратилаётган майдонлар қисқартирилади. Уз навбатида, ҳокимликлар захирасидаги ерлардан оқилон фойдаланиш чоралари кўриляпти. Фўза ва ғалладан бўшайдиган дала-лар талаб-горларга аукцион орқали ижарага берилиб, сабзавот, полиз, дуккакли ҳамда мойли экинлар етиштирилмоқда. Аммо пахта хомашёси ва ғалла етиштириш ҳажми камаймайди. Пахтакор ва ғаллакорлар махсулот етиштиришда илғор агротехник тажрибалар ҳамда инновацион усулларни жорий этиш, шунингдек, ҳосилдорлигини кўпайтириш чораларини излаш ҳисобига ялпи ҳосил салмоғини камайтирмаган ҳолда даромадларини ошириб боради.

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида фўза ўстириладиган майдонлар ўтган йилгига нисбатан 5729 гектарга, ғаллазорлар эса 118 гектарга қисқарди. Пахта, ғалла экилмайдиغان жами 5847 гектар майдон аукцион савдога чиқарилиб, сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар ўстиришга ажратилди. Таҳлилларга кўра, бу майдонлардан жами 107 минг тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, қарийб 62 минг тонна помидор, бодринг, сабзи, саримсоқ, пиёз, қарам, ширин ва аччиқ қалампир, қизилча, баклажан каби сабзавотлар етиштирилади.

— Жорий йилнинг май ойидан буён воҳамизнинг барча туманларида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни



тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан ерлар "Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти" ҳамда "Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти" асосида ажратилмоқда, — дейди "Давлат электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг Сурхондарё вилояти вакили Лутфулла Ғойибов. — Ер олишга талабдорлар очик электрон танлов орқали буюртма берапти. Ижара ҳуқуқига эга бўлиш учун туланидиган тулов суммаси норматив қиймат бўйича ҳисобланади. Ер олиш бўйича танлов иштирокчиларига иш ўрни яратиш, кредит олган-олмаганлиги, деҳқончилик бўйича мутахассислиги тўғри келиши, техник иқтисодий асос ва бизнес режасининг мавжудлиги, томорқасидан қай даражада фойдаланаётгани, оиладаги ишсизлар сони, талабдорнинг ер участкасига нисбатан жойлашган манзилли ҳамда "Темир дастар", "Аёллар дастари", "Ёшлар дастари" рўйхатида турган-турмаганлиги қараб балл берилмоқда. Деҳқон хўжалиги

юритиш учун юқори балл тўплаган ғойибларга ер 10 йил муддатга, юридик шахсларга эса қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун 30 йил муддатга ижарага берилляпти.

Воҳада ерни ижарага беришда туманлардаги аҳоли сони зичлиги ва талабдорларнинг кўплиги ҳам инобатга олинмоқда. Масалан, Узун, Сарийосе, Денов ва бошқа туманларда талабдорларга 10 сотихдан 25 сотихгача, Бандихон ҳамда Термиз туманларида 50 сотихгача ижарага ер ажратилляпти. Давлат унитар корхонаси вилоят вакилидан олинган маълумотларга кўра, деҳқон хўжалиги юритиш юзасидан ерни ижарага олиш бўйича электрон танловда май ойидан 1 сентябргача 74,2 минг талабдор қатнашган ва уларнинг 28 минг нафар ғойиб деб топилган. Ғойибларнинг 13600 нафари дафтарлардаги фуқаролардир. Ғойиб бўлганларга ижарага бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, 5623 гектар ер ажратилди. Мисол учун, Жарқўрғон туманидаги Ҳайитобод маҳалласида яшовчи Эрали Шердонов, Қорайғоч маҳалласи фуқароси Саида Улашова, Оқтепа маҳалласида яшовчи

Малика Эсиргановага 20 сотихдан ер ижарага берилган бўлса, Сарийосе туманидаги Ҳулкар маҳалласи фуқароси Комилжон Абдурахимовга 10 сотих, Нур-Бокчи маҳалласида яшовчи Ҳасан Юсуповга 17 сотих, Бўйрапўш маҳалласида яшовчи Сайитой Ёровага 25 сотих ер ижарага ажратилган.

Ерни ижарага бериш бўйича "Е-АУКСИОН" электрон савдоси босқич-босқич ўтказилляпти. Дастлабки босқич савдосида ғойиб топилганлар зудлик билан экин экишга киришганди. Бугун улар даромад олишини бошлади. Сарийосе туманидаги Шарофобод маҳалласида яшовчи Ҳаким Алланазаров ўн йилга ижарага олган 17 сотих ерга дон учун маккажўхори парваришлади. Тезпишар ва серхосил ўсимликдан 2,5 тонна дон олди. Поясини эса хонадонда қорамол боқадиган қўшнларига тўрт миллион сўмга сотди. Уч ой орасида даромади 12 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Шўрчи туманидаги Офтобмакон маҳалласида булганимизда бир корхонадаги 5 гектарлик дала бир гуруҳ ёшларга

ўртача 15 сотихдан ижарага берилганини айтишди. Ака-ука Шерхон ва Шерзод Эшмуродов, Ислом Мардонов ҳамда бошқа ёшлар ўз даромад манбаига эга бўлиш учун ўзаро маслаҳатлашиб помидор эқди.

— Ер — ҳазина деганларича бор экан. Аукцион савдо бир оз кеч ўтказилгани туфайли ер инонда берилди. Шунга қарамай, меҳнатимиз зое кетмади. Ҳар биримиз хозирча 10-13 миллион сўмдан даромадли бўлиб турибмиз, — дейди Ислом Мардонов. — Энди хорижга кетиб ишлашни уйламай ҳам қўйдик. Бўлгуси ҳосил учун ерни сифатли шудгорлаб, гўнг солиб, эртаки экинлар экишга тайёрляялёмиз. Келгуси йил даромадимиз икки чандон кўпаяди. Чунки камида икки марта экин экамиз.

Бир сўз билан айтганда, Ислом Мардоновга ўхшаб "Е-АУКСИОН"да катнашиб, ерга эга бўлган ва зироат ўстириб, қиска даврда мўмай даромадли бўлган фуқаролар рўйхатида яна давом эттириш мумкин.

Президентимиз иштирокида 2022 йил 18 июлда ўтказилган экин ерлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтириш мавзусига бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириққа асосан республика бўйича қўшимча жами 20 минг, жумладан, Сурхондарё вилоятида қўшимча 1950 гектар ер аукцион электрон савдога чиқарилиб, талабдорларга ажратилмоқда. Бундан ташқари, яқинда давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратишга доир видеоселектор йиғилишида келгуси йил яна 100 минг гектар экин майдонларини аҳолига танлов асосида берилиши айтилди. Демак, ерни фуқароларга ажратишга доир электрон аукцион савдолари тўхтамайди.

"Давлат электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" давлат унитар корхонаси вилоят вакилининг эътироф этишича, ижарага ер олганлар экин-тикин ишларини хозирча ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширмоқда. Барча конурдаги ерлар ижарага бериб бўлинганча, ҳар бир туман ёки маҳалла ҳудудида кластер ёки кооперацияга ўхшаш ташкилот тузилиб, ерни булганларга техника хизмати кўрсатилади, уруғлик, сув, маъданли ўғитлар таъминотида кўмаклашди ҳамда деҳқонлар томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда сотилиши ташкил қилинади.

**Усмонали НОРМАТОВ,**  
журналист

НУҚТАИ НАЗАР

# ШХТ: ТАҲЛИКАЛИ ДУНЁДА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ёхуд Самарқанд ёзган тарих

**Қахрамон ҚУРОНБОЕВ,**  
сиёсий фанлар доктори,  
профессор,  
**Оттабек ҲАСАНОВ,**  
сиёсий фанлар бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

ривожлантириш бўйича ШХТ стратегияси, Инфратузилмани ривожлантириш дастурлари ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги даврни очиб берди. Дарвоқе, ШХТ мамлакатлари ишбилармон доиралари ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш доирасида Самарқанд шаҳрида “Ўзбекистон — ШХТ” саноат зонасини ташкил қилиш қўзда тутилгани Ташкилот ишбилармонлари фаолиятига янги куч ҳамда суръат бағишлайди. Шу аснода инвестициялар оқими ўсиши, технологиялар ва инновациялар трансфери амалга оширишда “Самарқанд модели” яратилади, деган умиддамыз.

Ўзбекистоннинг раислиги даври ҳамкорликни фаоллаштириш орқали ШХТ тараққиёт стратегиясини мазмунан бойити олдди. Халқаро экспертлар фикрига кўра, Ўзбекистон ШХТ тарихида энг ташаббускор давлат сифатида ном қолдирди. Атиги бир йил ичида кўплаб халқаро ҳужжатлар келиштирилиб, Самарқанд саммитида жами 44 та ҳужжат — битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Бу ташкилот тарихида рекорд кўрсаткичдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ШХТ минтақасининг транспорт салоҳиятидан унумли фойдаланишига алоҳида эътибор қаратишга ва уни асосий стратегик вазифалардан бири сифатида белгиланган бўйича саяё-ҳаракатларни кўллаб-қувватлади. Айниқса, бу дунё бозорларида чиқиш масаласи принципиал бўлган, Ўзбекистон каби денгизга чиқишга табиий йўли ихоталанган Марказий Осиё давлатлари учун жуда муҳим. Шу мақсадларда геоиқтисодий вазиятда ўзига хос стратегик аҳамиятга эга бўлган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон”, “Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар” темир йўли линиялари қурилиши Марказий Осиё давлатларини дунё бозорларига олиб борувчи қисқа йўл билан таъминлашга тарихий имконият яратди.

Минтақавий транспорт лойиҳалари Марказий Осиёнинг ажралмас қисми ҳисобланган Афғонистоннинг ҳар томонлама иқтисодий тикланишига ва барқарорлигини таъминлашига хисса қўшади. Президентимиз нутқида қайд этилганидек, “Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШХТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим... Афғон халқи яхши кўшничилик ёрдамимизга қар ҳақондиган ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорла-



## Аниқ таклиф ва амалий ташаббуслар майдони

ШХТ Самарқанд саммити дунёдаги бошқа саммитлардан фарқи равишда муаммоларга амалий ечим топиладиган майдонга айланганини унда илгари сурилган ташаббус ва ғояларда кўриш мумкин. Мазкур ташаббуслар ШХТ “катта оиласи”нинг тинчлик ва барқарор ривожланиш борасидаги мақсад ва манфаатларига мос келади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ҳам айнан мана шундай характерга эга. Саноат ва технология ҳамкорлигининг умумий маконини шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро ёрдам учун ШХТ мамлакатларига миннатдорлик билдирар экан, давлат бошқарувидаги 40 йиллик фаолият давомида бундай кўламдаги офатни кўрмаганлигини айтиди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга ёрдам бериш мақсадида ШХТ номидан жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиш таклифи мазкур ташкилот амалий қадамлар майдони эканини яна бир бор кўрсатиб берди.

Россия Президенти Владимир Путин жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида халқаро ҳуқуқ ва БМТ низоми тамойиллари асосида ҳамкорлик олиб бораётган янги куч марказлари юзага келаётганлигини қайд этди ва ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари — терроризм ва экстремизм, наркотрафик ва ноқонуний қуролланган гуруҳларга қарши кураш, Афғонистон муаммосини сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал қилиш, савдо-инвестициявий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликни ривожлантириш, ШХТ спорт ташкилотлари ассоциациясини тузиш, туризм ва музей иши бўйича келишувларни имзолаш таклифи билан чиқди.

Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмон нутқида ҳам Самарқанд саммитида кўтарилган масалалар ўз аксини топан бўлиб, Тожикистон Президенти Афғонистондан кириб келаётган наркотик моддалар оқимига қарши курашиш мақсадида ШХТнинг наркотикларга қарши алоҳида структурасини тузишни таклиф қилди.

Самарқанд саммитига таклиф қилинган давлатлар раҳбарлари ҳам ўз мамлакатлари олдига турган муаммолар, ШХТ билан ҳамкорликдан кутилаётган натижалар ва ўзаро ҳамкорлик салоҳияти ҳақида гапириб ўтди.

Хусусан, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко “Шанхай руҳи” дунёнинг янги архитектура сиёсати бўлишига қодирлиги урғу бериб, ШХТ билан саноат, сунъий интеллект, “аши” иқтисодиёт, тинч атом, асосий савдо тўсиқларини бартараф этиш, банк тизими соҳаларида ҳамкорлик қилиш салоҳияти мавжудлигини таъкидлади. Шу билан бирга, 2024 йилда ёзи ва 2026 йилда киши спорт турлари бўйича ШХТ мусобақаларини ўтказиш таклифи киритилди. Президент Александр Лукашенко ўз нутқида “**биз учун кутилмаганда ШХТ минтақавий ташкилотдан глобал ташкилотга айланимиз. Мухими — бу фурсатни бериб бермаслик лозим**”, дея таъкидлади.

ШХТга аъзо бўлиш арасида бўлган Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисий ташкилот доирасида савдо, банк ва алоқа инфраструктураси соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мўҳимлигига эътибор қаратди. Эрон мазкур ташкилотга аъзолик орқали ҳамкорликка асосланган алоқалар ҳар қандай ташаббусни кўллаб-қувватлашга тайёрлиги маълум қилди.

Мўғлистон Президенти Ухнағийн Хурлусхун мамлакат бундан кейин ҳам ШХТ билан фаол ҳамкорлик олиб боришини, хусусан, савдо, инвестиция соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга, озиқ-овқат, энергетика, транспорт-логистика, туризм, ахборот технологиялари, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги каби соҳаларда катта лойиҳалар амалга оширишга тайёр эканини таъкидлаб ўтди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган Туркия Марказий Осиё билан қадимий алоқаларга эътибор қаратди. 2019 йилда бу тарихий алоқаларни тиклаш ташаббуси илгари сурилганини алоҳида қайд этди. Туркия ШХТ билан хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга, озиқ-овқат етказиб бериш заنجирларининг хавфсизлигига йўналтирилган ҳар қандай ташаббусни кўллаб-қувватлашга тайёрлиги маълум қилди.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев мамлакатнинг транспорт салоҳиятига асосий урғу берди. Жумладан, жорий йилнинг етти ойида Озарбайжондан транзит 50 фоизга ўсгани, мамлакатнинг транспорт-коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Шу ўринда, Президентимиз ШХТ Озарбайжон билан айнан транспорт-коммуникация ва савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик олиб боришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов ШХТ билан сиёсат, савдо, хавфсизлик, маданий-гуманитар соҳаларда кўп қиррали алоқаларни йўлга қўйишга, транзит йўллари барпо қилишда иштирок этиш ва энергетика соҳасида тизимли ҳамкорлик олиб боришга тайёрлигини маълум қилди.

ШХТ бош котиби Чжан Мин жаҳон миқёсида рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар шароитида бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик ва фаол ҳаракатларни мустаҳкамлаш заруриятини яна бир бор таъкидлади.

ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев 2021 йилда 40 та теракт ва 1 минг 400 дан ортиқ жиноятларнинг олди олинганини маълум қилди. Халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш муваффақиятли амалга оширилаётганини эътироф этиб, таҳдидларга коллектив ёндашув зарурлигини яна бир бор қайд этди.

БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар ва тинчликни барпо этиш бўйича ўринбосари Розмари Дикарло таъкидлаганидек, БМТ учун минтақавий ва субминтақавий ташкилотлар билан кўп томонлама самарали ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Унинг фикрича, бугунги кунда ШХТ Евроосиёда худудий хавфсизлик ва тинчлик масалаларини муҳокама қилиш учун энг қўлай платформа ҳисобланади. Хусусан, икки ташкилот экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик олиб бормоқда.

ШХТ саммити Самарқанд декларациясининг қабул қилиниши билан аяқланди. Саммитнинг асосий ҳужжатига томонларнинг амалий ҳамкорликни янада жадаллаштириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, ўзаро транспорт боғлиқлигини кучайтириш ҳамда маданий мулоқотни чўқурлаштиришга бўлган умумий ёндашувлар акс этди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ўз раислиги давомида очик мулоқотни ривожлантириш орқали ШХТ салоҳиятини намоян қилиш, амалий ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда ташкилот халқаро нуфузини ошириш бўйича олдидаги йўналишларини таъкидлади. Самарқандда ШХТ ривожланишида белгиланган янги суръатлар ва трендлар кейинги йилда Ҳиндистон раислигида ҳам давом этиши учун Ўзбекистон томонидан умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббуси илгари сурилди ва яқдиллик билан кўллаб-қувватланди.

\*\*\*

Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўлди, деб баралла айтиш мумкин. Албатта, бунда сўнгги йилларда сифат жиҳатидан мутлақ янги кўришни ҳосил қилган ўзбек дипломатиясининг ўрни ва ролги беқеъ. Мазкур ҳолат давлатнинг ташқи репутациясини анча ижобий ёки мўътадил ҳолатга келтирди.

Мухтасар айтганда, ШХТ мамлакатлари доирасида илгари сурилган ташаббусларнинг амалга оширилиши ва Ўзбекистоннинг муваффақиятли раислиги — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси маъсули ҳисобланади. Ўзбекистон ҳар бир қўзланган мақсадга ўз вақтида ва самарали эришиши бўйича тарихий миссиясини бажаришга имконият туғилиб, ШХТ маконида хавфсизликни таъминлаш, кўп қиррали ҳамкорликни янги сифат босқичга олиб чиқиш ва барқарор ривожланишга мустаҳкам асослар яратилди. Бунинг натижасида, ШХТ ўз принципларига содиқ қолган ҳолда, Ташкилотни ҳарбий ёки сиёсий блокка айлантиришга уринишларга йўл қўйилмади.

Ўз навбатида, Самарқанд саммитида қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорлар, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадидаги ташкилот нуфузи юксалишига хизмат қилади, дейишимиз айна ҳақиқатдир.

Ўзбекистоннинг ШХТда раислик даври ҳамда Ташкилотнинг 22-саммити юқори даражада ташкил этилгани халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлди. Ўзбек дипломатиясининг мазкур йўналишдаги фаолиятининг ўрганиш керак бўлган жиҳатлар талаягина.

Шу ўринда, умид қиламиз, ҳинд дипломатияси Ўзбекистоннинг ШХТда раислиги даврида берилган суръатни сақлаб қолишга муваффақ бўлади. Ҳиндистонга бу борада омад тилаймиз!

**“**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК” САВЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИДА ҚАЙД ЭТИЛГАНИДЕК, “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА РАИСЛИК ҚИЛИШДЕК МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛГАН, АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИНИ ОЧИШ ВА ҲАР БИР ИШТИРОКЧИ МАМЛАКАТНИНГ ФОЙДАЛАНИЛМАГАН РЕЗЕРВЛАРИНИ ИШГА СОЛИШ ОРҚАЛИ ТАШКИЛОТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИГА ҚАРАТДИ”.

**маслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз лозим”.**

Шубҳасиз, мамлакатимизнинг ШХТ минтақасидаги ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорлик стратегияси Афғонистоннинг Бууюк ипак йўлидаги тарихий транзит давлат сифатидаги ролини тиклашга хизмат қилади.

**Самарқанд руҳи: мураккаб давр шароитида янги мулоқот платформаси**

Бууюк ипак йўли дурдонаси — Самарқанд азал-азалдан Европа ва Хитой ўртасида инсониятнинг турли цивилизацияларини боғлаган табаруқ маскан бўлиб келган. ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида 2001 йилда — “Самарқанд — маданиятлар чорраҳаси” объекти сифатида киритилгани унинг минг йиллар давомида маданий-гуманитар мулоқот, илмий ва фалсафий тараққиёт ҳамда маънавий ривожланиш учун илҳом бериб келганидан далоятдир.

Шарқу Фарбни бирлаштирган Самарқандга асрлар оша ўз замонининг энг нуносиб кишилари — олим уфузуло, санъат ва маданият арбоблари талпинган. Бугунги кунда ҳам Самарқанд ўзининг тарихий ролини тиклаши муқаррар, эеро зарур шарт-шароитлар яратиб берилса, қадимий ва ҳамшиа навқирон шаҳар Президентимиз раҳбарлигида яна муштарақ мақсадлар йўлида дунё тамаддуни ривожига ўз сўзини айта олади.

Шунинг учун ҳам ШХТнинг Самарқанд саммити ўзаро боғлиқликдаги дунёда ҳамкорликни ривожлантириш, глобал ва минтақавий даражадаги муаммоларга ечим бериш бўйича мулоқот майдонига айланди. Моҳиятан қабул қилинган қарорлар “бир овоздан” рўёбга чиқишига имкон берадиган сиёсий тадбир халқаро ҳамжамият тарафидан муҳим воқелик сифатида қабул қилинди.

Дунё тараққиёти тенденциялари тобора Шарққа томон силжиётган тарихий бир вазиятда Самарқанд тинчлик, азалий дўстлик ва яхши кўшничилик, иқтисодий барқарорлик намунаси сифатида турли давлатларни “бир стол атрофида” тўплай оладиган мулоқот платформаси бўлиб хизмат қилди.

Шу маънода, Президентимиз ўз мақоласида “Самарқанд руҳи”га тўхталар экан, “Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тароққ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменининг мазмуни ҳам асли шунда муҳассас бўлиб, у халқаро ҳамкорлигининг, жумладан, ШХТ доирасидаги шериклигининг принциплари жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин”, деди.

Алоҳида таъкидлаш керакики, ШХТ 22-саммитининг биринчи кунида олиий мартабали меҳмонлар “Бууюк ипак йўли” халқаро туризм марказида бўлиб, “Боқий шаҳар” мажмуаси билан яқиндан таниди. Мажмуада сайр қилиш орқали давлатлар етакчилари чинакамига “Самарқанд руҳи” дан баҳра олди. Шунинг учун бўлса керак саммитнинг кейинги кунида иштирокчилар кўтаринки кайфиятда бўлди.

конференция ўтказиш, манфаатли темир йўл коридорлари қурилишини кўллаб-қувватлаш, ШХТ Иқлим кенгашичи тузиш, ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни қабул қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш учун қўшма платформани яратиш, Афғонистонни гуманитар кўллаб-қувватлаш бўйича махсус фонди тасвир этиш, кейинги йилни “ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили” деб эълон қилиш бўйича билдирилган таклифлар нафақат ШХТ мақсад ва тамойилларига мос келади, балки кенг Евроосиё маконида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Саноат ва технология ҳамкорлигининг умумий маконини шакллантириш борасида Президентимиз ташаббусларига ҳамоҳанг тарзда Ҳиндистон Бош вазирӣ Нарендра Моди энергетик ва озиқ-овқат танқислиги шароитида минтақда ишончли ва диверсификацияланган етказиб бериш заنجирларини ривожлантириш, ўзаро транзит ҳуқуқини таъминлаш заруриятини таъкидлади. Ҳиндистоннинг стартаплари ривожлантириш тажрибаси билан ўртоқлашиш мақсадида ШХТ стартаплар бўйича Ишчи гуруҳини тузиш таклифи берилди.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида нуту сўзлар экан, Қозғоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев бугунги даврининг фарқли жиҳати ўзаро ишончнинг кескин танқислиги эканини, ШХТ ғояларида қарама-қаршилик ва блокларга бўлиниш йўқлиги боис, Ташкилотнинг нуфузи ошиб, йилдан-йилга географияси кенгайиб бораётганини қайд этди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар мудофаа органлари ва махсус хизматлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш таклифи билдирилди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин дунё турбулентлик ҳолатига тўшиб қолганини, бундай шароитда бирдамликни мустаҳкамлаш ва ШХТни умумий тақдирга эга ҳамжамиятга айлантириш заруратига урғу берди. Бунинг учун ўзаро кўллаб-қувватлашни кучайтириш, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, ташқи кўчлар томонидан ШХТга аъзо давлатларнинг ички ишларига аралашиб бўйича ҳаракатларга қарши туриш лозимлиги қайд этилди. Амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ШХТ Ривожланиш банки, “катта ҳаммадаги маълумотлар” (big data) соҳасида Хитой — ШХТ ҳамкорлик марказини тасвир этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров нутқида ШХТ турли маданий-гуманитар аънаёларга эга давлатлар ўзаро баҳамжиҳатлиқда яшашининг мисоли ва аъзо бўлиш истагида бўлган кўплаб мамлакатлар учун жозибатор ташкилот эканлиги борасидаги фикрлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Қирғиз Республикаси Президенти Бишкекда Халқаро жиноятчиликка қарши кураш марказини очиш ташаббуси билан чиқди.

Покистон Бош вазирӣ Шаҳбоз Шариф Афғонистондаги тинчлик Покистондаги вазиятга ҳам таъсир кўрсатишини таъкидлаб, Афғонистон активлари га қўйилган чекловларни олиб ташлашга чакирди. Кучли сув тошқинидан сўнг Покистонга кўрсатилган

Бошланғичи 1-бетда

Шунингдек, Беларусь Республикасига ШХТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувайт Давлати, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига — мулоқот бўйича шериклар маконини бериш бўйича процедураларни бошлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида бир қатор муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. “Шанхай руҳи” тамойили асосида бирдамлик, ўзаро кўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланишини таъкидлаб, фақат шу йўл билангина ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мумкинлигини билдирди.

Айниқса, ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШХТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришиш ҳақидаги таклифи Ташкилот аъзолари томонидан яқдиллик билан кўллаб-қувватланди. Эеро, ушбу дастурлар амал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорлигининг барча йўналишларини қамраб олади ва ШХТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

## Ўзбекистоннинг раислиги даври: ШХТ муваффақияти ифодаси

2021 йил 17 сентябрь. Душанбе шаҳри. Кун календарда одатдагидек кўринади. Бироқ ундай эмас, чунки шу кун дунё аҳолисининг қариб ярмини, жаҳон иқтисодиётининг уқад бирини ўз ичига олган ташкилот — ШХТга раислик қилиш Ўзбекистонга ўтди.

Мамлакатимизнинг Ташкилотга раислиги пандемиянинг оғир оқибатлари билан курашилаётган, жаҳонда юқори ноаниқлик вужудга келган ҳамда геосиёсий қарама-қаршилик ва зиддиятлар кескинлашган бир даврга тўғри келди. Шу сабабандир, ақсарийт эксперт ва мутахассислар Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги расмийтақил учун ёки “номига ўтди-кетди-да”, деган фикрда ва бу бўйича улар томонидан пессимистик баҳоратлар тузилган эди.

Ўзбекистон шу куннинг ўзида декларатив баёнотлар беради, балки моҳиятан мураккаб тарихий давр шароитида аниқ белгиланган ҳаракатларни амалга оширишга киришди. Президентимиз янги имкониятлар даври учун аниқ “Йўл хариталари” ишлаб чиқди. Конструктив мулоқот ва ишончга асосланган ҳамкорликни ривожлантириш масаласи стратегик вазифа этиб белгиланди.

Мақсад аниқ эди, унга элтувчи шор ҳам ШХТ минбарига зўр акс садо бергани беҳиз эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда: “**Ҳар биримиз кучли бўлсакгина ШХТ кучли бўлади**”. Тарихан қисқа кўринган бир йил ичида Ўзбекистоннинг раислиги ушбу шорни ҳаётга татбиқ этиш руҳида кечди, ташкилот нуфузи ва салоҳиятини янада оширишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ШХТ раислиги доирасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида саксондан ортиқ тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари даражасида ўттиздан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимизнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида қайд этилганидек, “**Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган, асосий эътиборни ҳамкорлигининг янги уфқларини очиб ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди**”.

Ўзбекистон шафелигида илк бора аҳамият жиҳатдан долзарб бўлган ахборот хавфсизлиги, саноатни ривожлантириш ва гендер масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Мисол учун, тадбиркор аёлларнинг биринчи форуми аъзо мамлакатлар бизнес доираларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларни янада бир-бирига яқинлаштириш ва ҳали тўлиқ очилмаган салоҳиятини юзага чиқаришга ёрдам берган бўлса, ШХТнинг ахборот хавфсизлиги бўйича илмий-эксперт форуми замонавий чакриқ ва умумий таҳдидларга биргаликда қарши курашиш асосида “таънч нукталари”ни белгилаб олишда ўз ифодасини топди.

Бугунги дунё Тўртинчи саноат инқилоби даврига қадам қўйган. Мазкур тарихий вазиятда ШХТ мамлакатлари ёшларнинг рақамли тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш, улар ғояларини рўёбга чиқаришда қамарбаста бўлишини англаб етмоқда. Шу боис, ШХТ ёшлари орасида биринчи марта киберспорт чемпионати ва стартап лойиҳалари танлови ўтказилди. Бу тадбирлар давлат дастурлари, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанг экани диққатга сазовор.

Амалий учрашувлар фақатгина Тошкентда эмас, мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам ташкил этилди. Масалан, Фарғона, Нукус, Бухоро шаҳарларида ШХТ Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши йиғилишлари, Бухорода камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро конференция, Хивада транспорт вазирлари мажлислари ўтказилиб, ҳамкорлик режалари атрофлича муҳокама қилинди ва ташкилот кун тартибиде ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга аниқлик киритилди.

Шубҳа йўқки, Минтақалараро савдон ривожлантириш режаси, Транспорт боғлиқлигини



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_new

## АГРОСЕКТОР

УЗУМЧИЛИК  
КЛАСТЕРЛАРИХОМАШЁГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРМОҚНИ  
САНОАТЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДАДилбар СИДДИҚОВА,  
журналист

Бошланғичи 1-бетда

Узумчилик аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча қийматли маҳсулот яратишда ҳам муҳим тармоқлардан бири. Айтайлик, 1 гектар гапга майдонда 2 киши ишлаб, кўпи билан 20 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилса, узумчиликда, айниқса, шпалер усулида 10 нафаргача аҳолини иш билан таъминлаш, 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ўртача 25 минг долларлик экспорт қилиш имкони мавжуд.

Шу каби афзалликларидан келиб чиқиб, юртимизда бу йўналиш ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2018–2021 йилларда 52 минг гектар янги тоқзор ташкил этилиб, соҳага 210 миллион сўм субсидия ажратилгани, шу давр мобайнида мева-сабзавот экспортида узумнинг улуши 2 баравар кўпайгани ҳам фикримиз тасдиқидир.

Афсуски, кейинги чорак аср мобайнида халқаро бозорлардаги талаб ўзгариши, соҳага эътиборсизлик натижасида янги тоқзорлар барпо этиш ишлари тўхтади, мавжуд узумзор майдони эса қаровсизлик оқибатида қисқарди. Президентимиз раислигида 2021 йил 7 июль кунин узум етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда худудларда энтузизмни йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайта этилганидек, мамлакатимизнинг айрим худудларида йирик тоқзорлар майдони сўнгги тўрт йилда 7 минг гектарга камайган. Ҳалигача 40–50 йил аввал яратилган узум навлари экиб келинмоқда. Тоқзорларни янгилашни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилмаган. Тоқзорларнинг атиги 38 фоизи интенсив усулда парваришланмоқда.

Маҳаллий узум ҳосилдорлиги Осиёнинг бошқа давлатлариникига нисбатан 1,5–2 баравар кам. Қолаверса, юртимизда етиштирилган узумлар аксарияти данакли бўлиб, жаҳон бозорига данаксиз узумга талаб кескин ортиб бормоқда.

Узумни қайта ишлаш даражаси ҳам замон талабига мос эмас. Табиий винонинг умумий спиртли ичимликлар истеъмолдаги улуши бор-йўғи 2 фоизи ташкил этади.

Шу боис, йиғилишда узумчиликни ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар белгилаб берилди ҳамда ўша ойнанинг ўзига уларни амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш мақсадида Президент қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 28 июлдаги “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизimini жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори узумчилик соҳаси ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Чунки қарор билан узумчиликда анчадан буён тулланиб қолган муаммоларга ечим белгиланди.

Жумладан, узум плантацияси ташкил этган ташаббускор тadbиркорга ҳар бир гектар учун 10 миллион сўм, 10 гектар ерда томчилатиб сугориш технологияси жорий этилса 120 миллион сўм, инновацион усулда етиштирилган ҳар бир тул узум кўчати учун 5 минг сўм миқдорига субсидия ажратилган бўлди.

Тоқзорларга шпалер ўрнатиш харажатларининг 30 фоизгача қисми бюджетдан қўллаб берилиши, узумчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва техника божхона тўловларидан озод этилиши, етиштирилган ҳосилнинг 30 фоизи экспорт қилинса, даромад ва мулк солиқлари 30 фоиз, экспорт 30 фоиздан ошса, 2 баравар камайирилиши белгиланди.

Сертификатланган узум плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун банкларга 100 миллион доллар ресурс маблағлари ажратилди. Бунда кредит лойиҳа офислари тавсиялари асосида 14 фоиздан 3 йил имтиёзли давр билан 7 йил муддатга берилиши назарда тутилди.

Соҳа вакиллари учун яратиб берилган бундай имконият ва имтиёзлар самарасида қисқа вақт ичида сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, 63 та узумчилик ва виночилик кластери ташкил этилиб, улар томонидан 14 минг гектарга яқин узумзор барпо этилди. Қарийб 3 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Ушбу кластерлар узумни сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини ошириб, экспорт салоҳиятини юксалтирди. Сув таъминоти оғир ва лалми майдонларда 20,2 минг гектарда томчилатиб сугориш тизими жорий қилиниб, ташаббускорларга давлат бюджетидан субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратилди.

Узумчилик ва виночилик кластер тизимларини ташкил этиш истигадиги ташаббускорларга, қолаверса, хорижий инвесторларга қатор қўлайликлар яратди. Боиси, хомашё етиштириш, уни ташин,

сақлаш, қайта ишлаш, сотиш каби хизматлар битта субъект томонидан амалга оширилса, харажат камайди, пировардида, таннарх арзонлашиб, рақобатбардошлик ва фойда ортади.

Ишлаб чиқарувчиларга нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий, молиявий ва консалтинг хизматлар орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилгани катта имкониятдир. Узумчилик йўналишида кластерлар фаолият юртида бошлагани сабаб чекка қишлоқларга ҳам саноат кириб борди. Одамларда соҳага доир илғор ва инновацион гоғлар шакллана бошлади.

““

**СЕРТИФИКАТЛАНГАН УЗУМ ПЛАНТАЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН БАНКЛАРГА 100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР РЕСУРС МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИЛДИ. БУНДА КРЕДИТ ЛОЙИҲА ОФИСЛАРИ ТАВСИЯЛАРИ АСОСИДА 14 ФОИЗДАН 3 ЙИЛ ИМТИЁЗЛИ ДАВР БИЛАН 7 ЙИЛ МУДДАТГА БЕРИЛИШИ НАЗАРДА ТУТИЛДИ.**

Хўжалик юртишнинг кластер шакли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнига кенг жорий этилиши натижасида ички ва ташқи бозорда узумчилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашга эришилди. Бугунги кунда кластер тизими узумчиликка иқтисослаштирилган 48 та туманда фаолият кўрсатмоқда.

Мева-сабзавот етиштиришда саноатбон навларни танлашнинг аҳамияти катта. Масалан, 1 гектар хўраки узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм харажат қилиб, 4 йилдан кейин йилга 250 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Шунингдек, узум данагидан олинган ёғ ҳам жаҳон



бозорига юқори баҳоланади. Айнан шундай навлар жаҳон бозорлари талабига жавоб бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим хомашё бўлади.

Саноат корхоналарининг хомашё базасини мустақамлаш мақсадида 2021–2022 йилларда жами 12 минг гектар майдонда янги саноатбон навли узум плантациялари барпо этилди. Ушбу ташаббуснинг натижадорлигини янада ошириш учун ҳар бир кластерда янги узум навларини синаш майдончалари ва микролабораториялар ташкил этилди.

Сабаби, халқаро узум навларини юртимиз иқлим шaroитига мослаштириш жараёнида ҳар доим ҳам муваффақиятли яқунланавермайди. Бу борада кичик лабораториялар асқатади.

Қўйраб туманида жойлашган “Uzum fermer” узумчилик-виночилик кластерининг 21 гектар ери мавжуд, шундан 15 гектарига 50 га яқин саноатбон, хўраки ва кишишибоп узум нави етиштирилади. Ҳосил кластер қошидаги корхонада Италия технологияси асосида қайта ишланиб, экспортбон маҳсулотлар тайёрланади. Хўраки узум ички бозорга сотилаётган бўлса, узумни қайта ишлаш натижасида олинган шарбати қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Кластерда 50 нафарга яқин киши иш билан таъминланган. Мазкур кластер қошида виночилик ва меҳмонхона туризми йўлга қўйилган, манзарали боғ ҳам ташкил этилган.

Ҳар бир соҳани ривожлантириш учун, албатта, илмий тадқиқотларга мурожаат қилиш керак. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш катта ютуқларга асос бўлади. Шундан келиб чиқиб, Алкоғо ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги соҳада илмий-тадқиқот ишлари қўламини кенгайтириб, янги экспортбон навлар яратиш, турларини кўпайтириш, узум навлари генофондини сақлаш ва бойитишга интиломоқда.

Агентлик томонидан узумчилик ва виночилик соҳасида етакчи бўлган АҚШ ва австриялик мутахассислар билан тулроқ-иқлим шарoитларига мос кўчатлар танлаш, ер тайёрлаш, кўчат экиш, агротехник тадбирлар ўтказиш, касалликларга қарши курашиш, ҳосилни даладан истеъмолчигача етказиб бериш бўйича тажриба алмашиш йўлга қўйилди. Ушбу жараён соҳа ривожини учун муҳим. Чунки кўчат униши ва янги ҳосилдорликка эришишда тулроқ ва, ҳаттоки, шамолнинг турри йўналишини инобатга олиш ҳам зарур бўлади ва бу инкор этиб бўлмас фактдир.

Узумзорларни ишқом усулига ўтказиш бўйича барча худудларда салмоқли ишлар бажарилаётди. Бу борада Олтиариқ тажрибаси бугунги кунда республика бўйлаб кенг жорий этилмоқда. Виночиликни ривожлантириш жамғармаси томонидан янгидан ташкил этилган узумчилик плантациялари учун 7 та позиция бўйича субсидия маблағлари молиялаштирилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, 20 та янги узумчилик ва виночилик кластер раҳбарлари ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Венгрия, Италия, Испания, Туркияга хизмат сафарларига юборилди. Испаниянинг “Provedo” ва Туркиянинг “Grow fide” ин-витро лабораториясидан совуққа чидамли, ҳосилдор 50 турдаги узум кўчатлари сотиб олиш бўйича келишувларга эришилди.

Шунингдек, ин-витро шарoитида йилга 1 миллион донна сиймига эга замонавий кўчатхона лойиҳаси учун “Sag Agro” МЧЖга жамғарма ҳисобидан 3,2 миллиард сўм ажратилди. Бу 2023 йилда ин-витро шарoитида вируслардан холи, совуққа чидамли, уруғсиз, пайванданган 2 миллионга узум кўчати тайёрлашга замин яратди.

Жорий йил якунига қадар лалми ва фойдаланишдан чиққан ерларда тоқзор барпо этиш, 186 миллион сўм инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига кластерлар сонини 100 тага етказиб, ин-витро шарoитида пайванданган тоқ кўчатларини етиштиришга ихтисослашган 4 та янги кўчатхона ташкил этиш режалаштирилган. Узумчиликни ривожлантириш йўлидаги бу каби ишлар, ўз навбатида, минглаб янги иш ўринлари яратилиши, шу билан бира, экспорт имкониятлари кенгайтиришга хизмат қилади.

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Бошланғичи 1-бетда

“FARG‘ONAAZOT”:  
ИМКОНИЯТ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Айни пайтда корхонада 6700 нафардан зиёд ишчи-ҳодим ишлайди. Ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар мамлакат ички эhtiёждан ташқари Россия, Хитой, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Кейинги йилларда бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи экспортбон маҳсулотлар тайёрлашни жадаллаштириш, экспорт географиясини кенгайтириш борасида янги истиқболли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Акциядорлик жамиятида 30 турдаги минерал ўғит, кимёвий эритма, аммиак, нитрат кислотаси, сувоқ ва газсимон кислотадор, азот, шунингдек, 10 дан ортиқ бошқа турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Амалиётга татбиқ этилаётган маҳаллийлаштириш дастури бу борада янги имкониятлар яратмоқда. Айни кунда маҳаллий хомашё ва технологиялар ёрдамида янги турдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган.

Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, корхонада умумий қиймати 625 миллион АҚШ долларига тенг 6 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Бунинг ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар оширилиб, янги турдаги ва импорт ўрнини босувчи қўшимча 6 хил кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу бир вақтнинг ўзига 600 нафардан ортиқ янги иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини эса 118 миллион долларгача ошириш имконини беради.

— 2021–2025 йилларга мўлжалланган дастур доирасида мавжуд технологияларни модернизация қилиш борасида изланишлар олиб боряпмиз, — дейди ишлаб чиқариш ва техник бошқармаси

бошлиги Қобилжон Назиров. — Бу лойиҳалар амалга ошириш билан ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга ортади, маҳсулот таннархи эса 8–12 фоизга арзонлашади, 350 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Корхонада “Меламин” ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида Голландиянинг “Тролепид холдинг” компанияси билан қўшма корхона ташкил этилди. 200 миллион доллар қийматга эга бўлган лойиҳа ҳаётга татбиқ этилса, қўшимча 100 дан ортиқ иш ўринлари

яратилади. Меламин саноат тармоқлари учун жуда зарур хомашё ҳисобланади. Унинг асосий қисмидан автомобилсозлик, қурилиш ва тўқимачилик соҳаларида кенг фойдаланилади.

— Бу лойиҳа бўш турган 6 гектар ер майдонига амалга оширилмоқда, — дейди бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Умидилло Миллабаев. — Натижада саноатда ишлатиладиган ламинатланган ДСП ва МФ, қатламли қоғоз пластиклар, пресс-композиция ва

меламин идиш-товоқ маҳсулотлари, лак, буюк эритмалари ҳамда меламин-формальдегид қатрон каби импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона қошида илмий-инновациялар маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тармоқлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш, таҳлилий ва илмий-тадқиқот лабораториялари, фундаментал тадқиқотлар, маркетинг бўлимлари ва тажриба-эксперимент майдончалари ташкил этилган.

— Истеъмол содаси ишлаб чиқариш қурилмасида янги центрифуга ўрнатилиб, кунлик ишлаб чиқариш ҳажми 7 тоннадан 14 тоннага оширилди, — дея маълумот беради илмий-инновациялар маркази раҳбари Отабек Мадаминов. — Аммиакли селитра цехида эса қуввати 500 метр куб соат бўлган 2 та янги насос ўрнатилди. Бунинг ҳисобига 25 минг тонна қўшимча маҳсулот тайёрлашга эришилмоқда.

Узбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигида ташкил этилган “Winchemical” қўшма корхона ҳам истиқболли лойиҳалар сирасига қиради. Бунинг учун умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция киритилди. Корхона Марказий Осиё ва ҳамдўстлик мамлакатларида ягона ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган деворбоб декоратив қопламалар нам ва сув ўтказмаслик, энергия тежовчи хусусиятлари билан ажралиб туради.

— Маҳсулотларимиз ички ва ташқи



““

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА 30 ТУРДАГИ МИНЕРАЛ ЎҒИТ, КИМЁВИЙ ЭРИТМА, АММИАК, НИТРАТ КИСЛОТАСИ, СУОҚ ВА ГАЗСИМОН КИСЛОРОД, АЗОТ, ШУНИНГДЕК, 10 ДАН ОРТИҚ БОШҚА ТУРДАГИ КИМЁВИЙ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ. АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ БУ БОРАДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТМОҚДА. АЙНИ КУНДА МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ЯНГИ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.**

бозорда харидориг, — дейди истиқболли ривожлантириш ва инвестициялар бошқармаси бошлиги ўринбосари Абдоржон Ҳажибалаев. — Айни кунда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россияга экспорт қилинади.

Сирасини айтганда, “Farg‘onaaZot” акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар корхона

экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омили бўлмоқда. Буни биргина сўнгги уч йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турлари икки қиссига кўпайгани ва экспорт географияси кенгайгани ҳам кўриш мумкин.

**Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКАСИ

## Таянч олийгоҳни асраб қолиш заҳмати



Улуғбек ИНОЯТОВ, педагогика фанлари доктори

Бошланғич 1-бетада

### Мураккаб муаммолар гирдобда

Бунга етиб келиш осон бўлгани йўқ. Узоқ йиллар мобайлида тўпланиб қолган мураккаб муаммолар ҳал қилинди. Айрим ҳолларда эски хатоларни қатъият билан тузатишга ҳам тўғри келди. Яқин-яқингача, бундан 5-6 йил олдин ҳам таълим тизими ечимсиз имконсиз масалалар гирдобига тушиб қолгандек туюларди.

Хусусан, 9 йиллик мактаб таълимига ўтиш хато бўлганини ҳаётининг ўзи аччиқ сабақларда кўрсатди. Ҳали дунёқароши шаклланиб улгурмаган ўқувчи мактабдан кейинги даврда кўп қийинчиликларга дуч келди. Аввало, уларнинг келажакда ким бўлиши ҳақидаги орзулари, қандай соҳа ёки касбга қизиқиши билан ҳисоблашилмади. Ҳамма ўқувчи ҳудуддаги битта коллежга, қизиқиши, эҳтиёжидан қатъи назар, кўр-кўрона оқиллаштирилди.

Мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш масаласига тизимли ёндашилмаслиги фан ўқитувчиларининг етишмовчилигини келтириб чиқарди. Битта ўқитувчининг мутахассислиги бўлмаган икки ёки учта фандан дарс бериши таълим сифатининг кескин тушишига олиб келди. Ўқувчиларнинг фан асосларини ўрганишга интилишини сусайтирди.

Йиллар давомида ўқитувчиларнинг тоифалари пасайиб кетди. Уларнинг қарийб 70 фоизи шунинг эвазига кам маош оларди. Гўё бундай ишлар таълимга сарф-харажатларни оширмадики, коллежда уларга етарли шароит ва муҳит яратилмагани, оила — маҳалла — таълим муассасаси тизимининг самарасиз фаолияти оқибатида ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар ҳам ортиб бораверди.

Коллежлардаги умумий вазият мактаблардагидан ҳам мураккаб эди. Ёшларни касб-хунарга ўргатиши, замонавий ва профессионал кўникмалар бериши керак бўлган коллежларнинг ўзида моддий-техник ҳолат, ўқув-услубий таъминот, педагог-ўқитувчиларнинг савияси талаб даражасида эмасди.

Барчанинг бир хил — 3 йиллик дастур асосида ўқитилиши ёшларни коллежлардан бездирди. Давомат жуда сусайиб, билим, хунар ўрганиш сифати пасайиб кетди. Боз устига, ўқувчиларнинг оила муҳитидан узилиб қолиши, коллежда уларга етарли шароит ва муҳит яратилмагани, оила — маҳалла — таълим муассасаси тизимининг самарасиз фаолияти оқибатида ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар ҳам ортиб бораверди.

Коллежни тамомлаб, ундан муайян касб-хунар эгаллаб чиқиши керак бўлган ўғил-қизлар на муस्ताқил ишлашга, на олий таълимда ўқишни давом эттиришга тайёр бўларди.

Умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги камчиликлар олий таълимга, юқори малакали, замон талабларига жавоб берадиган, ватанпарвар кадрларни тайёрлашга салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасди. Қабул квоталарининг йилдан-йилга қисқартирилгани вазиятни янада мураккаблаштириб юборди. Ҳолат шунга бориб етдики, умумий ўрта таълим битирувчиларининг 9 фоизигина олий таълимда ўқишни давом эттириши мумкин бўлди, холос.

Олий таълим муассасаларидаги педагог кадрлар малакасини ошириш, касбий ва методик тайёрларининг такомиллаштириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, юқори натижаларга интилиш, илмий фаолият билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаш масалаларида ҳам муаммолар оз эмасди.

Давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистон шароитида узоқни кўра олиши, муаммоларни ҳал қилишдаги қатъий иродаси билан бугунги кунга келиб, юқорида келтирилган ва таълим билан боғлиқ барча муаммоларга самарали ечим топилмоқда.

### Илм-маърифат қайғусида

2016 йили халқ таълими вазири вазифасида ишлардим. Бир кун Бож вазири қабулига чақирилдим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўша пайтда Бож вазири эди. Мен билан бирга Бож вазири ўринбосари, олий таълим вазири ҳам етиб келган. Шундан ҳам кўриладиган масала ёки бериладиган топшириқ оқибатидан муҳим ва жиддий эканини сезиш мумкин эди.

Бож вазири бизни ўйчан кайфиятда қабул қилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолияти бўйича Президент Ислоҳ Каримов қаттиқ эътироз билдирганини, унинг талабаларини вилоятлардаги педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларига тарқатиб юбориш ва университетни ёпиш масаласи кўйилганини айтиди. У кишининг юзидан, кайфиятидан узоқ йиллик тарихга эга, мамлакатдаги педагог кадрлар тайёрлаш бўйича таянч олийгоҳни ёпиб юбориш масаласида чуқур ўйлаб, қарор қабул қилинишини истаётгани билиниб турарди.

Ўзи яқинда Тошкент вилояти педагогика институтини ёпилгани, агар таянч университет ёпилса, педагог кадрларни етказиб бериш муаммоси янада чуқурлашиб, бу ҳолат, айниқса, бутун мамлакатдаги педагогларга салбий таъсир қилиши мумкинлигини айтиди.

Вазият ҳақиқатан ҳам мураккаб, ўйга толдирадиган эди: бир томонда қатъий эътироз ва топшириқлар, иккинчи томонда мамлакат миқёсида педагог кадрлар тайёрлаш масаласи турарди. Шунинг учун Шавкат Мирзиёев

Орадан бир неча соат ўтиб, Шавкат Мирзиёев педагогика университети ёпилмаслиги, балки унинг фаолияти такомиллаштирилиб, ўзи бориб кўрган коллеж биносига кучирилиши ҳақида хулосага келинганини айтиб, бир қатор кўрсатмалар берди. Шу тарихга узоқ йиллик тарихга эга, мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлаш бўйича таянч олийгоҳ ёпилмайдиган бўлди.

2016 йил 13 май кўни Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда 1-Тошкент педагогика коллежининг Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган бинолари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига берилиши ҳамда унинг моддий-техник базасини мустақамлаш учун зарур маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, университет мамлакатимиз узлуксиз таълим тизими ва олий таълимнинг педагогика йўналишлари учун юқори малакали педагог кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши таъминлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси сифатида белгиланди.

Ўшанда коллежни кўздан кечириш жараёнида Шавкат Мирзиёев педагогика университетини бу ерга қандай жойлаштириш, шунчаки кўчириш эмас, педагогларга, талабаларга қулай шароит яратиш режасини ҳам пишийтиб олганини, таълимни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлган педагог кадрларни тайёрлаш тизимини қўллаб-қувватлашни кўнглига туғиб қўйганини кейин билдик...

### Ўзгача меҳр

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганидан кейин



**ОРАДАН БИР НЕЧА СОАТ ЎТИБ, ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЁПИЛМАСЛИГИ, БАЛКИ УНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБИ, ЎЗИ БОРИБ КЎРГАН КОЛЛЕЖ БИНОСИГА КЎЧИРИЛИШИ ҲАҚИДА ХУЛОСАГА КЕЛИНГЕНИНИ АЙТИБ, БИР ҚАТОР КЎРСАТМАЛАР БЕРДИ. ШУ ТАРИХГА УЗОҚ ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА, МАМЛАКАТИМИЗДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТАЯНЧ ОЛИЙГОҲ ЁПИЛМАЙДИГАН БЎЛДИ.**

бизга асосланган таклифлар тайёрлаш бўйича топшириқ берди. Масалани қандай ҳал қилиш кераклигини бизни ҳам ўйлантирди қўйди.

Шу кунги педагог кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ маълумотларни, мамлакатимизда педагогик йўналишда фаолият кўрсатадиган барча олийгоҳларнинг вилоятлари бўйича талабаларни қабул қилиш имкониятини таҳлил қилиб чиқдик. Бир-икки таклиф тайёрлаган бўлдик. Вазият ҳаммамиз учун жуда қалтис эди. Битта нотўғри қадам мамлакат келажак, халқимиз маърифати билан узвий боғлиқ бўлган муҳим соҳага жиддий путур етказиши мумкин эди. Шу кеча жуда узун бўлди. Ҳаммамиз қаердандир, қандайдир нажот кутардик.

Эртаси кунги керакли маълумотлар, факт ва рақамлар, тайёрлаган таклифларимизни олиб, яна Бож вазири қабулига бордик. Тақдиримиз қилдик, таклифларимизни, фикрларимизни билдирдик. Лекин тўғриси айтсам, ҳеч биримиз бундай мураккаб вазиятда ечим, охириги қарор қандай бўлишини таҳмин ҳам, тасаввур ҳам қилолмасдик. Шавкат Мирзиёев ҳаммамизни диққат билан тинглади, вазиятни ойдинлаштирувчи бир неча савол берди. Биз ўшанда эътибордан четда қолдирган, таклиф тайёрлашда ҳисобга олмаган жиҳатлар борлигини тушундик. Тўғриси, ахволимиз янада оғирлашди.

Кутилмаганда Бож вазири Чилонзордаги педагогика коллежига зудлик билан етиб боришимизни тайинлади. Коллежининг тўрт томонини айланиб, асосий ва ёрдамчи бинолар, ётоқхона, барча кириш-чиқиш йўлакларини, ётувларгача кўздан кечирди. Шундан сўнг ҳаммамизга иш-ишимизга қайтишимизга рухсат берди.

таълим тизимига, хусусан, педагогика йўналишидаги олийгоҳлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор, ўзгача меҳр билан ёндашганига гувоҳимиз.

Узоққа бормайлик, мана, жорий йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, шу йилдан бошлаб 2026 йилгача университет халқаро талабаларга мувофиқ трансформация қилиниши керак. Бу бўйича комплекс ривожлантириш дастури ва мақсадли кўрсаткичлар ҳам тасдиқланиб, вазифалар белгилаб берилди. Комплекс ривожлантириш дастурида 6 та йўналишда 26 та яхлит вазифани бажариш бўйича аниқ чоралар кўзда тутилган.

Университетнинг халқаро рейтингларга киришини, узлуксиз таълим тизими билан интеграциясини таъминлаш, хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш, олийгоҳ ҳудудига 5000 ўринли бино ва иншоотларни қуриш ҳамда жиҳозлаш каби вазифалар шулар жумласидан.

Узоқ йиллар соҳада сақланиб келган муаммолар болалар, ёшларнинг билими ва дунёқарошида қандай оғир асоратлар қолдирган бўлса, педагогларга, уларни тайёрлаш тизимига ҳам ундан кам бўлмаган зарар етказган, асорат қолдирган эди.

Давлатимиз раҳбарининг педагог кадрларни тайёрлаш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилаётган қарорлари мазмунини, аввало, эски асоратларни

## ЎЗИ ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЁПИЛГАНИ, АГАР ТАЯНЧ УНИВЕРСИТЕТ ЁПИЛСА, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУАММОСИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШИШИ, БУ ҲОЛАТ, АЙНИҚСА, БУТУН МАМЛАКАТДАГИ ПЕДАГОГЛАРГА САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛИШИ МУМКИНЛИГИНИ АЙТДИ.

йўқотиб, тизимни дунёдаги илғор амалиёт билан интеграциялашга қаратилмоқда.

Бунинг сабаби тушунарли: таълим тизимини ўзгартиришни ўқув режа ва дастурларини янгилаш, профессор-ўқитувчиларнинг савиясини оширишдан бошлаш керак. Қўрам, қулай шароитли бинолар қуришга, имкониятлар яратишга манба топилапти. Бу яхши, албатта. Лекин бу тадбирларнинг ҳаммаси охири-оқибатда педагогика соҳасининг иختимойи нуфузини оширишга, салоҳиятини кўтаришга, мазмунини илғор билимлар ва методикалар билан бойитишга хизмат қилишини унутмаслигимиз керак.

Давлатимиз раҳбари "Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, муस्ताқил қарор қабул қилиш оладиган, дунёқароши кенг шахс бўлиб етишади.

Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз", деб таъкидлади. Дарҳақиқат, бу Президентимизнинг доимий эътиборида турган, кун тартибидан тушмайдиغان масалага айланди.

Эътибор беринг, шу йил 21 июнь кунги давлатимиз раҳбарининг "Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу қарор, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда янги авлод педагогларини тайёрлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Қарор билан ўта долзарб ва ўзаро узвий боғлиқ 3 та вазифа — замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишни кўзда тутди.

Бир пайтлар педагогика йўналишидаги таянч университет асраб қолинган бўлса, энди ушбу қарор билан педагогик йўналишлар ва педагогик таълим муассасалари негизда мамлакатимизнинг турли вилоятларида 8 та давлат педагогика институтини ҳамда 2 та давлат педагогика университети ташкил этилиши белгиланди. Бу мамлакатимизда педагогик таълимнинг янги, ҳақиқий ривожланиш даври бошланаётганини аниқлади.

Стратегик даражадаги муҳим ҳужжат билан қўйилган вазифалар, яратилган имконият ва қўлайликларни яқин-яқинда халқга келтириш мушкул эди. Масалан, жорий ўқув йилидан бошлаб педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклида тахсил олаётган 2-4-курс талабалари учун ҳафталик ўқув машғулоти "4+2" тартибда йўлга қўйилди. Яъни талабалар ҳафтада 2 кун мактабга ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ имкониятига эга бўлади. Шу тарихга талабалар назария билан амалиётни уйғун олиб боришни, болалар билан вевосити ишлашни, бог-чадаги, мактабдаги муҳитга киришни ўргана боради. Бундан ташқари, жараёнда институт ва умумтаълим муассасалари ўртасида доимий алоқа, талабчанлик юзага келади, бу эра ҳар икки томонда сифатнинг ўзгаришига йўл очади.

2023 йилдан бошлаб "Эл-юрт умиди" ҳамгармаси стипендиялари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида педагог кадрлар учун қамидда 35 та алоҳида квота ажратилади.

Умидли ёшларимиз дунёнинг илғор давлатларида билим ва малакасини ошириб қайтиши юксак педагогик кадрларнинг юртимизга кириб келишини янада жадаллаштиради. Педагогика соҳасини ривожлантириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос даражага кўтариш учун амалга оширилаётган ислохотлар, белгиланган вазифалар қўлама, қамрови жуда кенг. Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича Миллий кенгаш раиси сифатида Президентимизнинг ўзи бу ислохотларнинг асосий ташаббускори, жонқури бўлиб, ҳаммамизга юксак намуна кўрсатмоқда.

Энди педагоглар, соҳага масъуллар, барчамиз мамлакатимиз таълим тизимини янги даражага олиб чиқиш, билимни, муस्ताқил фикрлайдиган, Ватанга садоқатли ёш авлод-ни вояга етказиш масъулияти билан фаолият юритишимиз зарур.

### ЖАРАЁН

# ПРОФЕССОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

## Ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқини оширмоқда

Шуҳрат ЖАББОРОВ, Республикада хизмат кўрсатган журналист



Тошкент педиатрия тиббиёт институтини қўшидаги академик лицей жамоаси эришгаётган натижалар нафақат мамлакат миқёсида, балки халқаро мезонда ўлчанда ҳам рекорд кўрсаткич. Бу ерда Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабалари қўлга киритилмоқда. Ушбу ўқув даргоҳи ўқувчилари кейинги йилларда 13 та олтин, 25 та кумуш ва 48 та бронза медалга сазовор бўлди. Ушбу медаллар Франция, Россия, Арманистон, Таиланд каби мамлакатларда ўтказилган халқаро олимпиадаларда қўлга киритилди. Аслида, бундай олимпиадаларда битта медални қўлга киритиш ҳар қандай ўқув юрти учун катта воқеа. Ушбу мукофот соҳиблари белгиланган низомага мувофиқ, юртимиздаги олий ўқув юртиларига тест синовларисиз қабул қилинади.

Мазкур лицей раҳбари Ортиқбой Эшонкулов — биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибидир. У кимё, биология фанлари бўйича ўтказиладиган халқаро олимпиадаларда мамлакатимиз ўқувчилар жамоасига раҳбарлик ҳам қилади.

Академик лицейда билимдон ўқувчилар тайёрлаш учун рисоладагидек муҳит яратилган. Жамоа ушбу даргоҳда эришилаётган ютуқлар билан чеklangанмай, мамлакатимиздаги бошқа билим масканларида ҳам ўқувчиларнинг билимини оширишга, халқаро олимпиадаларда иштирок этишига яқиндан қўмақлашиб келади.

Шу кунларда Ортиқбой Эшонкулов ҳамкасблари билан Жиззах вилоятидаги қатор мактабларда ўқувчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Мулоқот авлодлар учрашувига айлиб, ўқувчилар қалбида билим чўққиларини эгаллашга иштиёқ уйғотяпти.

Учрашувлар давомида тажрибали олимнинг ҳис-туйғуларига гувоҳ бўлдик. Ортиқбой Эшонкулов ўзи билим олган Шароф Рашидов туманидаги 30-мактабга қадам қўйганида ўқувчилик даврини ёдга олди. 1960-йилларда шароит етарли бўлмагани учун Ортиқбой Жиззах шаҳридаги 3-мактабда тахсил олганди. Ҳозир қадрдон мактабда ҳамма шароит муҳайё.



**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА БИЛИМДОН ЎҚУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН РИСОЛАДАГИДЕК МУҲИТ ЯРАТИЛГАН. ЖАМОА УШБУ ДАРГОҲДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР БИЛАН ЧЕКЛАНМАЙ, МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БОШҚА БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА ҲАМ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМИНИ ОШИРИШГА, ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШИГА ЯҚИНДАН ҚЎМАҚЛАШИБ КЕЛАДИ.**

Учрашув давомида лицей ва мактаб ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, биргаликда халқаро олимпиадалар иштирокчиларини тайёрлаш бўйича келишув имзоланди. Унга қўра, лицей ўқитувчилари онлайн дарс ўтади. Ортиқбой Эшонкулов юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган "Биология" дарслиги муаллифи сифатида мактаб жамоасига китобларини совға қилди.

— Устоз педагогининг келиши ўқувчиларимизни руҳлантирди, — дейди 30-мактаб директори Баҳодир Маматов. — Шундай илм чўққиларини эгаллаган инсон мактабимиздан чиқибди, демак, издошлари ҳам, албатта, кўпади.

Учрашувда физика-математика фанлари доктори, профессор Жуманазар Хусанов, Тошкент педиатрия тиббиёт институтини кафедра мудири, профессор Ҳамидулла Расулов ҳам қатнашди. Уларнинг чиқишлари зўр қизиқтирилган кутиб олинди.

Шундай учрашувлар Жиззах шаҳридаги 3-, Шароф Рашидов туманидаги 17-мактабларда ҳам ўтказилди. Профессорларнинг мактаблардаги мулоқоти давом этапти. Бундай учрашувларнинг аънаънага айланиши ёшларнинг орузиға қанот бахш этиши, уларни халқаро билим беллашувларида голибликка ундаши билан янада қадрийдир.





ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

# СУРХОНДАРЁ — ҲАР МАКОНИ ДОСТОНГА ҚИЁС

**Зулфия МҮМИНОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими



“Мана, ўша ёруғ кунлар келди”

Маънавият қарвони тadbирлари орасида элда кадр қўраётган, уй-жой эгаси бўлаётган азиз инсонлар билан ҳам учрашишга вақт ажратамиз. Қўшиқлар, шеърлар айтади. Қувончли лаҳзалар суратларга муҳрланади, дилдан суҳбатлар бошланади, алапоқибат улар билан қадрдонга айланамиз. Термиз шаҳри Фидокор кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлarning бириди хонадонга кириб бордик. Уч хонали бу шинам уйда 84 ёшли Марям Муаззамова ногирон қизлари Қаромат ва Гавхар билан яшайди.

Марям момо ҳикоясини тинглаймиз: — Яқин-яқингача қайнотамдан қолган кичкина уйда яшадик. Турмуш уртоғим билан ун фарзанднинг ота-онаси бўлдик. Уғилларимизни уйлантирдик. Кетма-кет набиралар туғилди. Ҳовидга биздан ташқари қайнукам ва қайнакам ҳам оиласи билан, жами 20 дан ошди киши истиқомат қиларди. Ногиронларнинг оҳ-воҳи, етишмовчиликлар... Хуллас, муаммолар гирдобда ўлиб кетсам керак, деб ўйловдим.

Президентимиз соғ бўлсин, биз каби муҳтожларга гамхўрлик кўрсатиб, уйли-жойли қилди. Аввалги ҳолимизда туловларни вақтида қилолмаганимиз учун гоҳ чироқ, гоҳ сув ўчарди. Базан қозон қайнатолмасдик. Қаромат иккаламиз доимий парваршига муҳтожмиз. Бизни кимдир кўтариб юриши керак. Ҳаммом отликча ҳам йўқ, уйнинг бир бурчида сув иситиб ювинишга тўри келарди. Кўпчилик бўлгандан кейин хузу-халоват йўқ. На еганимиз татийди, на ичганимиз. Қишда уйимиз тойдан чакка ўтади. Ёзда Термизнинг иссиқдан юрак тўхтаб қолай, дейди. Бу, айниқса, туну кун ётган одамга жуда сезилади. Кечалари юқори қон босимидан ухлай олмай чиқамиз денг.

Ҳар бир маҳаллага, хонадонларга кириб чиқатган ҳукумат вакиллари келиб аҳолимизни кўради, “Биринчилардан бўлиб сизларга уч хонали уй ажратамиз”, деди. Бизни босиб турган катта тоғ ўша кун елкамиздан нари сурилди. Мана, ҳозир ҳаётдан шикоятим йўқ. Ўз вақтида овқатланамиз, ўз вақтида ётиб ухлаймиз, дориларимизни ичамиз, телевизор орқали юртимизда бўлаётган янгиликлардан бохабармиз. Сизларни ҳам телевизорда кўрганмиз. Раҳмат, келганингиз учун, дуо қиламиз.

Юртимиз бўйлаб кезиб юрган Маънавият қарвони бу сафар 200 га яқин эл суйган ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, иқтидорли ёш ижодкорлар билан Сурхондарё вилоятида бўлиб қайтди. Мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами шуқуҳи, бутун дунёни маҳв этган “Самарқанд руҳи” (ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси Самарқанд шаҳрида муваффақиятли ўтказилгани назарда тутилмоқда) кезиб юрган мунаввар кунларда, янгича қиёфада, кенг кўламли ислохотлар оғушида шодмоню мағрур, саодатли сурхондарёликларни кўриб гўзал хис-туйғулар қўршовида қолдик.

Улар билан хайрлашиб, рўпарадаги эшикни қоқамиз. Бизни истарали аёл қарши олди. Хонадон чинидек тоза.

Бу уйда Ойсара Абдуллаева икки фарзанди билан яшар экан. Ҳол-аҳвол сўрашган, Ойсара бошидан кечирганларини сўзлайди:

— Турмиш ўртоғим Уроқ Ҳўжамбердиев 1-гурӯх ногирони эди. Яқинда оламдан ўтди. Бизга мана шу уй берилганини кўриб, хотиржам бўлиб, чин дунёга кетди. Қизим 9-синф, ўғлим 8-синф ўқувчиси. Фарзандларим мактабда аъло баҳоларга ўқийди. Уғлим кўл жанги спорти бўйича Ўзбекистон чемпиони. “Темир дафтар”да турганимиз боис, тикув машинаси соғва қилишди. Ҳозир “Сурхондон” АЖДа касаначи-ман, яъни уйда ўтириб тикувчилик қиламан. Матоларни ўзлари олиб келиб беради, иш тайёр бўлган, олиб кетади. Энг муҳими, болаларимнинг бошланаси бор. Маҳалламиз аҳил-иноқ, қўшнилар оқибатли. Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди, авайлайди. Аллоҳга шукр, камчилигимиз йўқ.

“Хонадон соҳибаси учун нима керак бўлса, давлатимиз барча шароитни яратиб берди”

“Юрtingлар, сизларни маҳалламиз шоирасининг хонадонига олиб бораман”, дея йўл бошлади “Гулистон” МФЙ раиси Ихтиёр Равшанов. Раис йўл-йўлак айёлининг бошидан ўтган қийинчиликларни ҳикоя қилиб берди:

— Бораётган уйимизда Дилшода Чориева яшайди. У 2-гурӯх ногирони бўлиб қолгунга қадар шахримиздаги ошхоналарнинг бирида ошлаз бўлиб ишлаган. Тақдир бошига оғир синовлар солди. Икки марта инфаркти бошдан кечирган, доим қон босими билан, буйрак етишмовчилиги, жигар хасталиги, хуллас, бир даста касалликлар тарихига эга. Шундай бўлса-да,



ҳозир ўзининг кичик бизнесини йўлга қўйган. Қуввати етгунча сомса пишириб сотади. У шундай шеърлар ёздики, эшитиб кўринг, ҳақиқий шоир, дейсиз.

Гуллар билан ўралган йўлақлардан юриб, чинидек ярақлаган зиналардан иккинчи қаватга кўтарилдик. Нихоятда очик чехрали аёл кўтиб олди. Хонадондан таралаётган хушбўй ҳид ҳам беканинг ошхонасида барака борлигини аниқлади. Биз шинам хонадаги юмшоқ мебелларда қатор бўлиб ўтирдик. Хонадаги тозалик ва тартибдан ҳаммамизнинг юзимизда мамнуният барқ уради.

— Мана олдингизга Зулфия Мўминовани олиб келдик. Марҳамат, шеърларингизни кўрсатишингиз мумкин, — деди вилоят Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Наргиза Раҳматуллаева.

— Бир қарашдаёқ танидим, аммо кўзларимга ишонмадим. Нахотки, Зулфияхон бўлса, деб иккаламиз турибман бу ҳажрдондан, — дейди самимий табассум билан хонадон соҳибаси.

Дилшода билан мароқли суҳбат қурдик. Шеърлар ўқиб берди. Тўғри, унинг ёзганлари шеърият мезонларига жавоб бермаса-да, нимаси биландир инсоннинг юрак пардаларига тегиб кетади. Балки бу сатрларни неча марта ўлим билан олишган аёл ёзгани учундир, балки бу шеърларни кечатгина дорихоналардан қарзга ботиб, ижарама-ижара юрган муштипар ёзгани учундир? Яқка-ёғилзилгидан фақат қалам билан суҳбат қурган бир заифанинг нидолари бўлгани учундир?

— Деразмдан мусиқа ва бахшилар мактаблари кўриниб туради. Гоҳида уларнинг олдида бориб шеърларимдан ўқиб бераман. Мактаняпти деманг, ёш бахшилар шеърларимни куйга солиб, байрамларда айтаяпти. Мана, қаранг, янги газ плита, телевизор, музлаткич, янги гиламлар, дарпардалар — барини ҳоқимият олиб келиб берди. Ҳатто кондиционергача қўйиб бериб кетишди, — дея мамнуният билан давом этади Дилшода Чориева.

Президентимизни дуо қилаётган, шароитларини яхшилаб бераётган вилоят раҳбарларига миннатдорлик билдираётган бу аёл билан мамнун хайрлашдик. Кейинги манзилимиз 1-гурӯх ногирони Муроджон Қосимов хонадони бўлди. Уч хонали уй билан таъминланган Муроджон бизни кулиб қарши олди. Агарда аравачада ўтирмаганида, уни ҳеч ким ногирон деб уйламайди. Биздан олдин патронаж ҳамшираси Мақсуда Алпамуродова келиб, қон босимини ўлчаётган экан. Муроджоннинг эгизак болалари бизнинг ташрифимиздан хурсанд бўлиб, ёнимизга келиб ўтирди. Аёли Самияой юмуш билан ташқарига чиққан экан.

Муроджон ўз аҳолини қуйдагича баён этди: — Аёлим билан турмуш қурганимиздан кейин шароитимиз янада оғирлашди. Тўғри, аёлим мени оқ ювиб, оқ тарайди, ўз вақтида дориларимни ичтиради. Аммо уй-жой муаммоси елкамизни эзиб турарди. Орадан икки йил ўтиб, Фотима-Хусан эгизакларимиз туғилди. Аёлим касал бўлиб, мен туғул, чақалоқларга

Сурхондарё азалдан орифа, фозила аёллар юрти. Вилоятда илгор фикрли, замонавий билимларга эга фан доктори, фан номзоди, ёш тадқиқотчи ва магистр қизларни ўз ичига олган “Ихтирочи аёллар” уюшмаси ташкил этилган.

Иқтисодий инновацион ривожлантириш, халқ фаровонлигини ривожлантириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги муҳим ҳужжатлар ҳам сурхондарёликлар учун улкан рағбат бўлди.

Кейинги йилларда Сурхондарёда амалга оширилган эзу ишлар, халқнинг фаровон яшаш учун яратилаётган шароитлар, “Обод қишлоқ” дастури бўйича қисқа вақт ичида эртақлардагидек мўъжизавий қиёфа касб этётган қишлоқларимизда яшаётган юртдошларимиз бошига бахт қуши кўнганини кўрсатиб турибди.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича амалга оширилаётган ишларни кўриб халқимиз



ҳам қарай олмай қолди. Унинг ўзи ёрдамга муҳтож эди. Президентимиз биз учун тушимизга ҳам қирмаган яхшиликни қилди. Адолатли мамлакатда яшаётганимизни ўша оғир кунларда хис этдим. Шифокорларнинг кўрсатмаси билан чақалоқларни Гўдақлар уйига вақтинчалик топширдик. Биз дастлаб у ерда шундай етук мутахассислар борлигига ишонмаган эдик... Аёлим икки йил давомида катъий даволанди. Чақалоқларга қарай олмаганимизни ҳисобга олиб, уларни Мехрибонлик уйига ўтказишди. Давлатимиз фарзандларимизга ҳақиқий гамхўрлик қилди, тан олиш керак, биздан аъло қараб, тарбиялаб берди.

Шундай гамхўр давлат учун фарзандларимизни муносиб қилиб тарбиялаш энди бизга боғлиқ. Бирор муаммо бўлса, мурожаат қиламиз, масала жойида ҳал бўлади, илтимосимиз ерда қолмайди. Бизга мана шундай тўқис шароит яратиб берган Президентимизга, бу ишга бош қўшганларга минг раҳмат.

**Ватанга муҳаббат — инсон қалбининг энг бақувват устун**

Вилоятда ҳикоя қилиб беришга арзигулик ишлар бисёр. Ислохотлар кириб бормаган соҳа еки хонадон йўқ. Одамлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг ҳаётдан розилигидан бир қувонсангиз, ҳаётга бўлган интилишидан, Ватанга дахлдорлик ҳисси билан тўлиб-тошишдан руҳингиз ўсади.

қўллаб-қувватланса, нақадар қудратли кучга айланишига ҳар кун гувоҳ бўляпмиз.

Сурхондарёликлар томорқа ҳўжалиги ҳадисини олган. Аҳолининг қарийб 70 фоизи томорқадан юқори ҳўсил олмақда. Бу маҳаллалар муҳитига янги руҳ бағишламоқда. Яратилаётган янги иш ўринлари оилалар мустақамлигига пойдевор бўляпти.

Ҳамиша илм ва маърифат саодат қалити бўлган вилоятда юртимиздаги нуфузли университет ва институтларнинг филиаллари очилиши ҳам тарихий воқеа бўлди. Бу илм даргоҳларига кириш олий маълумот олиш орузида юрган ёшларимизга қанот бўлди. Бу йил олий ўқув юртига кирганлар сони илгариги йилларга қараганда икки баробар ошди. Шеробод, Термиз, Жарқўрғон, Денов, Қизириқда янги қурилган заводларда ишлаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этади.

Маънавият қарвони иштирокчилари таълим муассасаларида, шахару қишлоқларда, зиёратгоҳларда, масжиду мадрасаларда, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда кўтаринки руҳ билан дийдор байрамлари ўтказди. Ҳар бир кунимизда меҳр, ҳар бир қадамимизда азизлик ва қадр, шўқуҳ борлигига ишондик.

Сафаримиз сўнггида бир хулоса қилдик: Ватанга муҳаббат инсон қалбининг энг бақувват устунидир. Зеро, она Ватан шу устунга сунади.

## АДАБИЙ ҲАМКОРЛИК

# ШУША БАҒРИДА ТИНЧЛИК САДОЛАРИ



**Наргиза АСАДОВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Эзгу сўз, адабиёт дунёни қутқара олади. Токи китоб бор экан, адабий алоқалар бор экан, дўстлик сарҳад билмайди. Диллар диллардан сув ичаверади. Кун кеча Озарбайжоннинг қадим Шуша диёрида гувоҳи бўлганимиз, тинчлаганимиз шеърлар ҳам жаҳондаги барча муқаддас неъматлар Ватан, миллат, тинчлик ва дўстлик теварагида бирлашишини эслатди.

Озарбайжон давлат арбоби, шоир Хуршидбону Нотавон таваллудининг 190 йиллиги тантанасида ўзбек, озар, турк, қирғиз ва қозоқ шоирлари бир масқанда

жам бўлди. Она тилида янграган шеърларимиз орқали азим Турон тупроқлари тафтини, улғў аждодларимиз сасини, қалбан бирлигини туйгандек бўлдик...

Хон қизининг қадим саройи қаршида кечган анжуманда сўз олганлар Хуршидбону Нотавон ҳаёти ва ижоди, хон қизи томонидан Шушада ташкил этилган “Mejlisi uns”, яъни дўстлик йиғинларининг ахамияти, бугунги адабий ҳамкорликлар борасида сўз юртди.

Мушоира давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган бадий китоблар ҳамда эсдалик совғалар мезбон ва бошқа дўстларга тортиқ қилинди.

Сафар давомида филология фанлари номзоди, профессор, навоийшунос олима, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзоси Алмаз Улви Биннатова билан учрашув сафаримизнинг энг гўзал нуқталаридан бири бўлди.

Алмаз опа бизга Бокунинг қадим обидалари, саройлари, уларнинг тарихи ҳақида тиниқ фикрлар бераркан, улғў адиб Низомий ҳайкали пойига чорлади. Адабиёт музейи, Ичкари



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-960. 81594 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова  
Мусаҳҳиж: Малоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 23:05